

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодий факультети

36-12 гуруҳ талабаси

Турдикулова Мафтунанинг

**«Россия империясининг Ўрта
Осиёга харбий юришларининг
бошланиши»**

мавзусида ёзган

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар: Ў. Эрбутаева.

Гулистон – 2016

«Россия империясининг Ўрта Осиёга ҳарбий юришларининг бошланиши»

Режа

Кириш

1. Туркистон мухториятининг афдарилиши ва совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши.
2. Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуrolли қаршилиқ ҳаракатининг бошланиши ва бориши.
3. Қуrolли қаршилиқ ҳаракати қатнашчиларига ва уларга хайрихоҳ бўлган кучларга нисбатан қўлланилган оммавий қатағонлар.
4. ЧОР РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОННИ БОСИБ ОЛИШИ. ЧОРИЗМ ИСТИБДОДИГА ҚАРШИ ТУРКИСТОН ҲАЛҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШИ. ЖАДИДЧИЛИК.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Совет даври адабиётларида Туркистон халқлари олиб борган миллий озодлик учун қуролли қаршилик ҳаракати тарихи ҳам “синфий душман”, “эзувчи синфлар” қаршилиги сифатида кўрсатилиб уларга “босмачи” тамғаси кўйилиб¹ сохталаштирилди. Туркистонда қуролли қаршилик ҳаракати бостириш чоғида совет органлари амалга оширган қатағон сиёсати ақибатида минг-минглаб бегуноҳ кишилар қатағонга учрагани кўплаб ватандошларимиз юртни ташлаб бадарға бўлгани ҳақида деярли ёзилмади.

Совет даврининг сўнгги йиллардаги адабиётларини изчиллик билан ўрганиш шуни кўрсатадики, 80-90 йиллар давомида “қайта қуриш” таъсирида партия мафкуравий зўғимининг бир мунча кучсизланиши ва СССРнинг парчаланиши билан тарих фанида соғломлашиш жараёни намоён бўла бошлади. Булар тарихий воқеаларга синфий ёндашувдан қочиш, умуминсоний қадриятлар устиворлигига суянишга интилиш кабиларда кўринади. Ўз-ўзидан маълумки, ўзбек халқининг озодлик ва мустақиллик учун кураши манбаларига эътибор кескин кучайди. 1989 йил 15-16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институтида “Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Октябрь инқилоби: назария, муаммолар, ўрганиш истиқболлари” мавзуида республика илмий конференцияси ўтказилди. Р.Ё.Ражапова Ватан тарихшунослигида биринчилардан бўлиб Туркистон мухториятининг назарий ва методологик асослари ҳақида янгича фикрларни илгари сурди.² Тўпلامдан жой олган Р.А.Нуриллин, И.А.Алимов, Ф.Ҳ.Қосимов, Р.М.Абдуллаев, С.Аъзамхўжаев, М.Қ. Ҳасанов, Р.Т.Шамсутдиновларнинг илмий мақолаларида³ октябрь тўнтариши ва унга

¹ Березин К. Гражданлар уруши тарихи тўғрисида (1935 йилда бўлган Ўзбекистон ёзувчилар Саюзининг II Пленумида қилинган доклад). Т.: 1935; Коканбоев А. Борьба за установление и упрочение советской власти в Ферганской долине. Т.: 1958; Шомагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Т.: 1961; Зевелев А.И., Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, сущность, крах. М.: 1981; Бобохўжаев А.Х. Провал английской агрессивной политики в Средней Азии (1917-1920 гг.).-Т.:1955; Турсунов Х.Т. Образование Узбекской Советской Социалистической Республики.-Т.: 1957; Хамидхўжаев А. Туркистонда комсомолнинг ташкил қилиниши.-Т.:1957; Зевелев А. Ўзбекистонда гражданлар уруши тарихидан.-Т.: 1959 (рус тилида); Нуриллин Р.А. Туркистон АССР советлари чет эл ҳарбий интервенцияси ва гражданлар уруши даврида. -Т.: 1985 (рус тилида); Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней кон революции. Т. Мысль 1984, ва бошқалар.

² Бу ҳақда қаранг: Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане теория, проблемы, перспективы изучения. // Отв.ред. Р.Я.Раджапова-Т., Фан. 1991. _ С. 8-32.

³ Қаранг: Октябрьская революция....-С.225-239,239-249,117-186,186-196,94-101,102-116,159-176,132-147.

махаллий ташкилотлар муносабати, мусулмон советлари, Туркистон мухторият ҳукумати, миллий муҳолифат кучлари фаолияти каби масалалар янги талқин этилди.

Мустақиллик йилларида совет давлати ҳукмронлиги ҳамда зулмига қарши Туркистон, Хоразм ва Бухорода олиб борилган қуролли қаршилик ҳаракати тарихининг жуда кўп масалалари тадқиқотчилар томонидан кўплаб мақола⁴, рисола⁵ ва диссертацияларда⁶ ўзининг ҳаққоний ҳамда ҳолисона талқинини олди. Энг муҳими, илмий жамоатчиликнинг алоҳида диққат эътиборида бўлиб келаётган бу ҳаракатнинг асл моҳияти, сабаблари ва мақсади ўзининг ҳаққоний баҳосини олишга сазавор бўлди.

Бу масалани ўрганишда қўлга киритилган ютуқларни эътироф этиш билан бирга яна муаммонинг тадқиқ этилиши лозим бўлган баъзи бир масалалар борлигини таъкидлаш ўринли. Улар қаторига Туркистонда қуролли қаршилик ҳаракатини бостириш чоғида совет ҳокимияти унинг қатнашчиларига нисбатан юритган қатағон сиёсати, Хоразм ва Бухоро республикаларидаги ҳарбий, сиёсий репрессиялар, ҳаракат бостирилган

⁴ Шамсутдинов Р. “Босмачилар” ким бўлган ? // Фан ва турмуш.-1997. № 1. Б. 22-23; Ўша муаллиф. Фарғона қўрбошилари. // Фан ва турмуш. – 1997. № 2 Б. 24-25; Шамсутдинов Р., Қодиров А. Шермухаммадбек ҳаётига чизгилар // Фан ва турмуш.-1999. № 2 Б. 14-15; №3 Б.18-19; № 4 Б.20; Зиёева Д. Туркистон мустақиллиги учун кураш масалалари 20-30-йиллар талқинида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1998 №1. Б.67-73; Ўша муаллиф. Эзгулик йўлидаги бирлик // Фан ва турмуш. – 1998. № 3 Б. 8-9; Шодмонова С. Туркистон истиқлол учун кураш масалалари хорижий тарихчилар талқинида // Ўзбекистон тарихи. 2000. №1-2. Б.89-95. Ўша муаллиф. Манбалар сўзлаганда // Фан ва турмуш. -2000. № 4 Б. 24-25.

⁵ Қосимов Ф., Рашидов У. Бухорода қаршилик (“босмачилик”) ҳаракати тарихидан лавҳалар (1920-1924 йиллар).-Т., 1994; Касимов Ф. Драка революция и правда истории.-Бухоро, 1996; Ўша муаллиф. Бухоро республикаси тарихшунослиги. Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 1996; Норжигитова Н. “Босмачилик” ҳаракати ва унинг совет тузуми давридаги тарихий адабиётларда ёритилиши.-Т., 1996; Зиёева Д. Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма.-Т.: Ўзбекистон, 200; Ўша муаллиф. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. –Т.: Ғофур Ғулом нашриёти, 200; Зиёева Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. –Т. : Шарқ, 2001; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924 йй) –“Бухоро” нашриёти, 2003; Остонова Г. Бухоро: қизил босқин тарихшунослиги-Бухоро: “Бухоро” нашриёти. 2003; РажабовҚ.К. Мустақил туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йй) –Т.: Ўзбекистон. 2000. Ўша муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924йй).-Т.: Маънавият, 2002; ва бошқалар.

⁶ Норжигитова Н.А. Историография “босмаческого движения” в Туркестане (Советский период): Автореф.дисс...канд.ист.наук.-Т.,1995; Зиёева Д.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения «истиклолчилик» 1918-1924 гг): Автореф.дисс...док.ист.наук.-Т.1999; Шадмонова С.Б. Вопросы борьбы против советского колониализма в Туркестане в 1917-1924 годах в немецкой и турецкой историографии. Автореф.дисс...канд.ист.наук.-Т., 2002; Сё Енг Чель. Зарубежная историография повстанческого движения в Туркестане в 1918-1924 гг (на примере британо-американских и южнокорейских исследований): Автореф.дисс...канд.ист.наук.-Т.2003; Мўминов Д. Ўрта ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуролли ҳаракат. (1920-1926 йиллар). Тарих фан.ил.дар.олиш.учун ёзилган Автореферат-Т.2010; ва бошқалар.

ҳаракат қатнашчиларига нисбатан қўлланилган тазйиқ ва таъқиблар, уларни ҳуқуқларидан маҳрум қилиш масалаларини киритиш мумкин.

Туркистон мухториятининг ағдарилиши ва совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши.

1917 йил 27 февралда Петрограда бошланган инқилоб Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Натижада, Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари советлари тузила бошлади.

1917 йилда ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат миллий зиёлилар ўртасида, ҳатто дин пешволари ва оддий халқ оммаси орасида ҳам оммалашга эди. Ижтимоий тафовутларга қарамай, бутун Туркистон жамиятида ўлканинг мустамлака мақомини тугатишга интилиш кучли эди. Миллий озодлик учун бошланган ҳаракат бу ерда янги ҳокимиятнинг рус ташкилотлари билан бир қаторда «Шўрои Исломия», «Шўрои уламо», «Мирваж ул-ислом», «Мифтоқ ул-маориф», «Равнақ ул-ислом», «Иттифоқ ул-муслимин», «Турон» ва бошқа турли мусулмон ташкилотлари пайдо бўлишига олиб келди.⁷

«Шўрои исломия»нинг Тошкент ташкилоти ташаббуси билан чақирилган Бутунтуркистон мусулмонларининг 1-қурултойи 1917 йил 16 апрелда иш бошлади. қурултойда давлат бошқаруви ва уни ташкил қилиш масалалари бўйича Аҳмад Закий Валидий маъруза қилди. Бутунтуркистон мусулмонлари 1-қурултойи сўнгги мажлисида марказий орган-Туркистон ўлка Мусулмонлар Марказий Шўроси (Краймуссовет) ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Унинг ташкил этилишидан асосий мақсад миллий озодлик ҳаракатига ташкилий ва марказлаштирилган тус бериш учун барча жамият, қўмита ва ташкилотларни бирлаштириш эди.

⁷ Туркистан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я.Раджапова.-Т.: Шарк. 2000.-С.24

Шундай қилиб, Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги йўлида биринчи муҳим қадам қўйилди. Афсуски, ўлка мусулмонлари сиёсий ташкилотларининг бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмай, Мунаввар Қори Абдурашидхонов бошчилигидаги «Шўрои Исломия»дан 1917 йил июн ойида «Шўрои Уламо» ажралиб чиқди. «Шўрои Уламо» ташкилотининг ташаббуси билан Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрда туркистонлик мусулмонларнинг қурултойи ўтказилди. Натижада «уламочилар» билан «Шўрои Иломчилар» ўртасидаги узоқ ва кескин келишмовчиликларга қарамай, қурултой келишиш йўллари топишга муваффақ бўлди. «Шўрои Исломия», «Турон», «Шўрои Уламо»-барчаси бирлашди ва ягона куч сифатида иш қўриш вақти келгани алоҳида таъкидланиб, «Иттифоқи муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди.⁸ Шунингдек, қурултойда Туркистоннинг миллий давлатчилик тузуми ҳақида турли фикрлар билдирилди.

Шундай қилиб, «Уламочилар» қурултойдаги асосий масала Туркистон ўлкасининг кележакдаги сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий мухтор федерация-«Туркистон Федератив Республикаси» тузилиши ғояси илгари сурилди. Бунда Туркистон федерацияси ўз пулини муомалага чиқариши, ўз милициясига эга бўлиши, ўз чегарасини қўриқлаш учун қўшин сақлаши мумкин бўлиши кўзда тутилди. Уруш вақтида чегарани қўриқлаш вазифаси эса Россия республикасининг ҳукумати томонидан ташкил этилиши, Туркистон федерациясининг бутунлай Россия ҳукумати буйруғига бўйсиниши таъкидланди.⁹

Бироқ 1917 йил октябр ойида Тошкент Совети солдатлари ўз томонига оғдира бошлади, асли россиялик бўлган ишчилар ҳам унга эргашди. Тошкентдаги Октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Коровченко ва Муваққат ҳукуматининг Туркистон Комитетини қамоққа олдилар. Шу кун Тошкент Совети Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганини эълон қилди.

⁸ Улуғ Туркистон. 1917 йил 30 сентябр.

⁹ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т.1. Установление Советской власти в Узбекистане-Т.: Изд.Ан УзССР, 1963.-с.442-446.

1917 йил 1 ноябрда советлар Янги Термиз ва Каттакўрғонда, 25 ноябрда Янги Бухоро (Когон)да, 28 ноябрда Самарқандда, 7 декабрда Наманганда ҳокимиятни ўз қўлига олди.¹⁰

Туркистонда большевиклар синфий кураш тамойилларига амал қилиб пролетариат «манфаатлари» дан келиб чиқиб сиёсат юрита бошладилар. Ўлкадаги янги тузум Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатидан ошиб тушди. Туркистон ўлкаси иккинчи марта Марказий Россияга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўла бошлади.

1917 йил 26-28 ноябрда Қўкон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавкулудда ИВ - курултойи бўлиб ўтди.¹¹ Маълумки, мусулмонларнинг ушбу курултойи ва унда қабул қилинган қарорлар совет даври адабиётларида «миллатчилар гуруҳининг йиғинида эълон қилинган буржуа мухторияти» деб талқин қилиб келинди. Хужжатлар эса ушбу ҳолнинг бутунлай тескарси бўлганлигини исботлайди. Масалан, муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий ўз маърузасида¹² курултойнинг Туркистон халқлари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурулиш даври эканини таъкидлаб, «Курултойимиз қабул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар»¹³, деди.

Курултой 1917 йил 27 ноябр куни қабул қилган қарорда: «Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди ҳамда мухториятнинг қарор топиш шакллари Таъсис мажлисига ҳавола этд ». ¹⁴ 28 ноябрда таркиб топаётган мазкур ҳукуматнинг номи аниқланиб, у Туркистон Мухторияти деб аталадиган бўлди.¹⁵

Бутунроссия Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон Миллий (миллат) Мажлиси қўлида бўлиши

¹⁰ Иноятов Х.Ш. Победа Советской власти в Узбекистане.-Т., 1967.-с-71-74.

¹¹ Туркестанский вестник, 9 декабря. 1917 г.

¹² Бехбудий М. Танланган асарлар.-Т.: Маънавият, 1997.-Б.30

¹³ Туркестанский вестник, 9 декабря. 1917 г.

¹⁴ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т.2.-Т.: Фан, 1972.-С.27.

¹⁵ Улуг Туркистон. 1917 йил 8 декабр;Туркестанский вестник. 1 декабря 1917 г.

керак, деб ҳисобланди. Қурултойда Туркистон Муваққат кенгаши аъзоларидан Туркистон мухторияти ҳукумати (8 кишидан иборат) тузилди.¹⁶ Бош вазир қилиб аввал Муҳаммаджон Тинишбоев, сўнгра Мустафо Чўқаев сайланди. Айни пайтда М.Тинишбоев ички ишлар вазири ҳам ҳисобланган. Қўқон шаҳри миршабларининг бошлиғи-қўрбошиси бўлган Кичик Эргашнинг ваколати Туркистон Мухторияти тамонидан эътироф этилди. Шунингдек, Убайдулла Хўжаев ҳарбий вазир, Абдурахмон Ўразаев ички ишлар вазирининг ўринбосари, Муставо Чўқаев ташқи ишлар вазири, Ислон Султон Шоаҳмедов бош вазир ўринбосари, Юрали Агаев ер ва сув бойликлари вазири, Обиджон Маҳмудов озиқ-овқат вазири, Соломон Абрамович Герцфельд молия вазири қилиб сайландилар.

Туркистон Мухторияти-миллий демократик давлат эди. Мухтор ҳукуматни кенг халқ оммаси қўллаб-қувватлади. Туркистон Мухторияти миллий қўшинни ташкил қилишга жиддий киришди. 1918 йил бошида уларнинг сони 2000 аскарга етган. Бундан ташқари, Қўқонда тахминан шунча миршаб бор эди. Уларга Кичик Эргаш қўрбоши бошчилик қилган.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг халқ орасида обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бориши большевикларни ташвишга солиб қўйди. Туркистон ўлка Советларининг ИВ съезди (1918 йил 16-29 январ) Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқарии ҳолатда, деб ҳисоблади, ҳатто ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди.¹⁷ Бу билан совет ҳукумати ерли халқ миллий демократик давлатчилигининг дастлабки тажрибаси бўлган Туркистон Мухториятини қонга ботириб тугатишга қарор қилди.

Съезд тугаганидан кейин уч кун ўтгач, 1918 йил 30 январда Туркистон ўлкаси ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатлар бошлади. 1 февралда (янги ҳисоб билан 1918 йил 14 февралда) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилинди.¹⁸

¹⁶ Ҳасанов М. Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма.//. Фан ва турмуш, 1990, №9, 4-6 б.

¹⁷ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.153-155.

¹⁸ ЎзР МДА, 25 фонд, 1 рыйхат, 35-иш, 56 варак.

1918 йил 29-30 январда Қўқонда фавқулодда вазият мислсиз даражада кескинлашди. Ана шундай бир шароитда 30 январда Қўқон ишчи ва аскар депутатлари Советининг мажлиси бўлди. Унда Туркистон мухториятини ағдарувчи орган-инқилобий қўмита (революцион комитет) тузилди. Унинг раислигига большевик Е.Г.Бабушкин сайланди. Инқилобий қўмита таркибига туб ерли аҳоли вакилларида киритилмади.

Қўмита ўз қўлида чекланмаган ҳокимиятни мужассамлаштирди, унга катта ваколатлар: фавқулодда чоралар кўриш, ҳамма нарсани совет ҳокимиятини ҳимоя қилишга бўйсиндириш ва сафарбар этиш ҳуқуқи берилди. Инқилобий қўмита олдидаги энг асосий бош вазифа мухторият ҳукуматини тугатиш, шаҳар аҳолисини қуролли куч билан совет ҳокимиятини тан олишга мажбур қилиш, «Инқилобий тартиб» ўрнатишдан иборат эди. Бу эса оммавий қатоғонлар учун кенг йўл очиб берди.

Инқилобий қўмита ишни Европалик ишчилар ва темир йўлчиларни қурол билан таъминлашдан бошлади. Айниқса большевикларнинг Қўқон шаҳридаги арман миллатига мансуб дашноқларни: баққоллар, сартарошлар ва вино сотувчиларни қуроллантиришлари оммавий қирғинларни янада даҳшатли тус олишларига сабабчи бўлди. Тошкент, Скобелев, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарлардан ҳарбий мадад сўраб мурожаат қилинди.

Айнан шу пайтда, 1918 йил январи охирлари-феврари бошларида Совет ҳокимияти томонидан кучли босим таъсирида Мухторият тарафдорлари хатти-ҳаракатлари хусусияти шаҳар совети тузулмалари билан тинч-тотув яшашдан ҳарбий қарама-қаршиликка боришга томон ўзгара бошлади. Қўқон совдепоси мухториятчиларнинг қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўраётгани белгиларини қайд этди. Шаҳар ҳокимияти бунга совуққонлик билан қаролмасди, чунки ундаги ҳарбий қаъла 16 кишилик рота томонидан кўриқланган эди, холос. Бу қарама-қаршилик очикдан-очик жанговар ҳаракатларга айлана бошлади. 29 январдан 30 январга ўтар кечаси совет ҳокимияти томонида турган ҳарбий қисмлар Қўқондаги мухтор республика

хукумати билан курашни бошлаб, моҳиятан Россияда биринчи бўлиб фукаролар урушини бошлади.¹⁹

Бу воқеа арафасида Қўқон шаҳар совети пленуми иштирокчилари Мухторият хукуматидан 1918 йил 9 январда Қўқонда ташкил этилган қарийиб 2 минг кишилик миллий қўшинни дарҳол қуролсизлантириш ва тарқатиб юборишни талаб этиш ҳақида қарор қабул қилди.²⁰

Айни пайтда, Туркистон ўлкаси ХКС Тошкент, Наманган, Самарқандда шаҳар Думаларини тарқатди. Собик генерал-губернатор канцеляриясини тугатди, «Буржуа» газеталрини ёпди. Пахта заҳираларини мусодара этди, нефть қазиб чиқариш, балиқчилик саноати, «Хива» кемачилик жамияти, барча босмахона ва типографияларда миллийлаштиришни ўтказди, ФК (фавқулодда комиссия) ташкил этди, дин давлатдан ва мактаб диндан ажратилганлигини эълон қилди.²¹

«Қўқон мусулмон аҳолиси рус ва арманларни қирғин қилиб, шаҳарнинг европаликлар яшайдиган қисмини вайрон этди», - деган атайин тарқатилган миш-мишлар большевистик советларга содиқ ҳарбий бўлинмалар орасида мусулмонларга қарши қаҳр-ғазаб уйғотишга сабаб бўлди. Бу билан большевиклар ўзларининг оммавий қатағонликларининг амалга оширишида қизил армия ҳарбий бўлинмаларидан бемалол фойдаланиш учун йўл очдилар. Чунки Қўқон хукуматида бундай катта ҳарбий куч йўқ у бор-йўғи бир неча ҳарбий қисмлар ва қипчоқ отлик солдатларига таянарди.

Мухториятчилар 29дан 30 январга ўтар кечаси оқ гвардиячилар ёрдамида инқилобий қўмита жойлашган Қўқон қаъласига ҳужум уюштириш билан бир қаторда телефон станциясини ҳам эгаллаб олдилар. Аммо Қўқон ҳарбий инқилобий қўмитаси телеграф ва телефон алоқаси узулгунга қадар содир бўлаётган воқеа тўғрисида Тошкентга хабар бериб, ҳарбий ёрдам сўрашга улгурган эди. 31 январ кечаси соат учда Фарғонадан тўртта замбарак ва тўрта пулемёт билан қуролланган 120 (айрим маълумотларга қараганда

¹⁹ Панаров Ю. «Белое солнце пустыни....», «Юность». 1990 №:1.

²⁰ Улуғ Туркистон. 1918 йил 21 январ.

²¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.147.

146) кишилиқ ҳарбий қисм етиб келди. Шу туннинг ўзидаёқ инқилобий қўмита Мухторият ҳукуматиға талабнома йўллаб, кундузги соат учга қадар қурол-ёроғни топшириш, ваколатларидан воз кечиб, совет ҳукуматини тан олиш шартини қўяди. Мухторият ҳукумати аъзолари большевиклар талабини жавобсиз қолдирдилар. Шундан кейин инқилобий қўмита Мухторият аъзоларини ҳибсга олиш тўғрисида қарор чиқаради.²²

Аммо Мустафо Чўқаевнинг хотирлашича «31 январ кундуз соат 12 да Хўқанд большевикларининг бизга берган ультуматумини текшириб ўтирганимизда бизга тўхтовсиз милтиқ ота бошладилар . бу милтиқ отувчилар большевиклар бўлиб чиқди. Большевикларнинг ультуматумида бизга 2 соат муддат тайин этилган ва ул муддат 2 соат 20 минутда тўлар эди: нечундир алар шартномасини хилоф ҳаракатга киришиб муомила йўлини кесдилар. Шўрои исломия юртинда ҳукумат қўшинларидан бошқа халқда жийилғон эди. Большевик солдатлари яқинлашиб келарлар, деган хабарни эшитиб бошқа халқ тарлан кибиқ ҳукумат кишиларида иккинчи бош қўширға йўл қолмағач тарқалишдилар. Чунки халқ ҳукуматининг (Туркистон мухторияти-С.Х) алида бўлса келишурмиз, большевикларга қарши қурол кўтармангиз»-деган сўзига қулоқ солмай, ҳар қайси боринча сўғиш асбобларини олиб ўрамга чиқдилар. Большевикларнинг ваъдалариндан илк ота бошловлари халқнинг кўнглини, олар муваққат ҳукуматиғина туғил, бутун халққа қарши ҳаракат бошладилар, деган кўрқув солди. Бу вақт муваққат ҳукуматнинг йўли бутунлай кесилган эди. қўқонда бўлган бу кўнгилсиз воқеани сиёсий сабабларидан бошдан аёқ ёзувни ҳозирги замон кўтармий».²³

Ана шу тариқа, Қўқон шаҳрида большевиклар маҳаллий аҳолини қириб ташлашдан иборат оммаивй қатоғонларни бошлаб юбордилар. Туркистон ўлкаси ХКС Туркистон Мухториятига четдан келадиган ҳар қандай ёрдамни олдини олиш чораларини кўрди. 1918 йил 14 февралда бутун Фарғона

²² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000.- Б.66.

²³ Улуғ Туркистон. 1918 йил 2 март.

водийсида ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Фарғона темир йўлида эса қамал ҳолати жорий этилди.

Албатта бундай оғир шароитда Туркистон мухторияти ўзини-ўзи ҳимоя қилишга ожиз эди. Мухториятчилар бошланган даҳшатли қирғинга қадар тинч воситалар йўли билан ҳокимиятни қўлга олишга ишонар эди. Шунга қарамай, мухториятчилар совет қўшинлари ҳужумини уч кун қайтарди. Улар қўлга тушган нарсалар-таёқ, болта, кетмон, ошпичок, тошлар билан қуроқланган эди.

«Туркистон-туркистонликлар учун!» шиори билан чиққан мухториятчилар муқаддас уруш-ғазоват эълон қилдилар ва вилоятлардан ёрдам кутдилар. Бироқ, афсуски, мухториятчилар бошқа жойлардан етарли даражада ҳарбий ёрдам олишмади.²⁴

Мухтор ҳукумат вазиятнинг ниҳоятда оғир эканлигини ҳисобга олиб сўнгги ва охириги имкониятни ишга солди ҳамда большевиклар билан бошланган музокара ташаббускори бўлди. Бу музокара 17 февралда бошланди. Музокарада мухториятчилар қуйидаги талабларни ўртага қўйдилар: 1. Шаҳарни биргаликда бошқариш ва унинг таркибида мухториятчиларнинг кўпроқ вакиллари бўлишини таъминлаш. 2. Ҳарбий қаълани шу органнинг назорати остига олиш. 3. Милициядан бошқа барча кучларни қуролсизлантириш. Ўлкада совет ҳукуматининг шариатга зид декретларини бекор қилиш.²⁵

Аммо инқилобий қўмита Мухториятчиларнинг бу таклифларини рад этди. Мухтор ҳукумат қандай бўлмасин қон тўқмаслик учун ҳаракат қилдилар. Ҳарбий вазир полковник М. Чанишев инқилобий қўмитага ультиматум қўйиб, соат 4 гача қаълани топширишни талаб этди.

Аммо мусулмон ишчи ва деҳқонлар конференцияси қатнашчилари ультиматумни қайтариб олишни талаб қилдилар.

²⁴ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. -Т.: Маънавият, 2000.-Б.146.

²⁵ ЎзР МДА, Р-1747-фонд, 1 рўйхат, 22-иш, 3 варак.

«Шўрои уламочи»лар ўз тарафдорлари билан бунга норозилик билдириб, ультиматумни қайтариб олишга қаршилик қилдилар. Мухторият ҳукумати аъзолари ўртасида ўзаро ихтилоф келиб чиқди. Мустафо Чўкай ўғли бошчилигидаги ҳукумат маҳкамаси ағдарилди ва ҳукумат бошқаруви Қўқон шаҳар милицияси бошлиғи Кичик Эргашга ўтади. 18 февралдан 19 февралга²⁶ ўтар кечаси Тошкентдан ўлка ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги замбараклар билан қуролланган қўшин етиб келди. Перфильев шаҳарни уч тарафдан ўраб олиб, 19 феврал куни эрталаб Эргашга талабнома йўллади. Эргаш унинг талабларини бажаришдан бош тортгач, Перфильев Қўқон шаҳрини 12 замбаракдан ўққа тутди. Кундуз соат 1да бошланган ўқ ёмғири шомгача шаҳарни вайронага айлантирди.²⁷ Аммо шунга қарамай, мухториятчилар таслим бўлмай, ҳар бир бинони, ҳар бир дўконни, ҳар бир карвонсаройни мардларча ҳимоя қилдилар.

Туркистон мухторияти Миллатларнинг ўз тақидирини ўзи белгилаш масаласини демократик йўл билан ҳал этишга бел боғлаган халқ ва уларнинг илғор зиёлилари, заковати ва иродаси заминиди вужудга келган эди. Табиийки зўравонлик, шовинизм билан қуролланган янги мустабит большевиклар режими миллий мустақилликка интилишнинг ҳар қандай кўринишига тиш, тирноғи билан қарши чиқди. Синодан ўтган усул-ҳалқни алдаш, шавқатсиз қириш, талаш бу гал ҳам ишга солинди ва эзгу ниятлар, катта мақсадлар билан юзага келган ҳаётбахш ғоялар куртаклигидаёқ эзиб ташланди.

Совет ҳокимияти мутасаддилари қандай қилиб бўлмасин Туркистонда чуқур илдиз отиш, маҳаллий халқларни изимларига бўй сундириш аста секин уларнинг ишончини қозониб, совет қурилиши жараёнига фаол жалб қилиш сари астойдил киришдилар. Улар келгусида маҳаддий ватанпарвар

²⁶ 1918 йил 1 февралдан бошлаб кунлар янги сана бўйича кўрсатилади. Чунки Совет ҳокимиятининг декрети билан 1918 йил 31 январдан кейин 1 феврал эмас, балки 14 феврал деб ҳисобланди.

²⁷ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб.....-Б.66

кучларнинг Туркистон мухториятига ўхшаган халқ ҳокимияти бошқарувини янгидан қайта тиклашга изим бермаслик учун совет ҳокимиятчилигига миллий. Маҳаллий шакл-шамойл беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Бунга эришиш учун барча усулла-ру таъсир кўрсатиш воситалари ишга солинди. Сове ҳокимияти, туркистонда Совет Афтаном республикасини ташаббуси-ю, уни бевосита ташкил қилиш ишлари билан шуғулланди. Жумладан, совет ҳукуматининг фавқулодда комиссари П.А.Кобозев, РСФСР миллатлар иши комиссарлиги ходимлари Ҳ.Ибрагимов, **А.Ш.Клевлев** сингарилар бу ишда бош-қош бўлдилар. Улар марказ элчилари сифатида маҳаллий совет раҳбарлари билан яқин ҳамкорликда ерли аҳоли ўртасида зўр бериб совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлаш, унинг миллий сиёсатини изчил амалга оширишга даъват этиб фаол тушунтириш олиб бордилар.¹

Большевиклар истак-ҳохишига батамом жавоб бера оладиган Туркистон мухтор шўролар республика Туркистон ўлкаси шўроларининг В қурилтойида ташкил этилди. Ўлка Шўроларининг В қурилтойи 1918 йил 20 апрелда ўз ишини бошлади. Унда 263 мандатга эга бўлган вакиллар қатнашди. Шулардан 86 киши большевик, 70 сўлэсер ва 87 киши фирқасиз эди. Қурилтойда туб ерли маҳаллий халқ вакилларида бор-йўғи 50 га яқин киши қатнашди. Бу қурилтой вакилларининг атиги 20 фоизини ташкил этар эди. Шу боис қурилтой қабул қилган қарорлар маҳаллий мусулмон халқларининг талаб ва эҳтиёжларини ўзида тўла ифода этар эди, деб айтиш учун ҳеч қандай асос йўқ эди.

23-26 апрелда қурилтой саноат корхоналарини национализация қилиш, темир йўл транспортидаги ишларинг бориши, ер, сувга доир тадбирларни амалга ошириш, ҳарбий қурилмаларни муҳофама қилди ва қарорлар қабул қилди. 27 апрелда қабул қилинган «Туркистон халқ комиссарлари Шўросининг навбатдаги вазилари тўғрисида»ги декларацияда очикдан-очик

¹ Усмонов +. Соди=ов М. Ўзбекистон тарихи. (1917-1991 йиллар). «Шар=», Т. 2004. 27-28 бетлар.

мустамлакачилик руҳидаги қарор қабул қилинди. Унда: «Туркистон Россия федерациясининг таркибий қисми бўлиб қолади».¹

30 апрелда шахсан В.И.Лениннинг кўрсатмаси асосида қурилтой РСФСР таркибига кирувчи Туркистон Шўролар Мустор республикасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди ва «Туркистон Мухтор Шўролар республикаси тўғрисида Низом»ини тасдиқлади.

Қурилтой Туркистон Мухтор Шўро Республикасининг марказий ижроий қўмитасини ва халқ комиссарлар шўросини сайлади. Марказий ижроий қўмитанинг таркибига 36 киши сайланди. Унда большевиклар ва сўл эсерлардан 18 тадан вакил бор эди. Марказий Ижроия Қўмитанинг раислигига большевик П.А.Қазақов сайланди. Туркистон Республикасининг олий давлат органилари таркибига биринчи марта маҳаллий туберлик аҳоли вкиллари: Марказий Ижроия Қўмитага 7 киши ва Халқ комиссарлари шўросига 4 киши киритилди.²

Туркистон мухтор шўро Республикасининг олий органларига Собир Юсупов, Патқул Хусанбоев, Иноғом Хўжаев, Сафо Жўрабоев, Санжарбек Асфандиёров, А.Шарофиддинов, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Ш.Остонбоев ва бошқалар аъзо бўлган эдилар.³

Раҳбарлик ўринларининг 80% ни туберли бўлмаган миллатлар вакиллари эгаллаб олдилар. Ана шу тариқа Шўролар ҳукумати биз Туркистон ўлкаси халқлари талаб ва эҳтиёжларини қондирдик, уларга мухторият бердик, деб дунёга жар солдилар. Майда эса берилган мухторият табиатан миллий эмас, ҳудудий эди, холос. Бу мухториятнинг барча самаралари мустамлакачи шўролар ҳукумати манфаатларига бўй сундирилган эди.

Бу оддий ҳақиқатни яна шундан ҳам билиш мумкинки, 1918 йил 4 июлда Москвада чақирилган шўроларнинг 5 қурилтойи РСФСРнинг биринчи шўро конституциясининг қабул қилгандан сўнг, 1918 йил 5-14

¹ Ўзбекистон СССР тарихи. 3 жилд. Бош таърир. И.Мыминов. 158 бет.

² Шамсиддинов Р. Каримов Ш. Ёша асар. 116 бет.

³ Шамсиддинов Р.Т. Советы и образование национальных Республик в средней Азии. (1917-1925 год.)- Вопросы истории. Москва. 1986 год.

октябрда Туркистон ўлка шўроларининг 6 Ҳақулотда қурилтойи қақирилди. РСФСР Конституциясидан кўчириб унга монанд тарзда Т.М.Ш.Рсининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси сиёсий ўйин ва найрангбозликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Айёрона сиёсий найрангбозлик Туркистон қонфирқасини ташкил этиш жараёнидан ҳам яққол кўзга ташланди.

1918 йил 17-25 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон большевикларининг ўлка конференцияси Туркистон коммунист-большевиклар партиясининг II съезди деб номланди. Ўлкадаги коммунистик гуруҳлар ушбу съездда илк марта ташкилий жиҳатдан расмийлашиб, Туркистон Компартиясига (РКП (б) таркибида) асос солдилар. И.Таболин раислигида 7 кишидан иборат Ижройи Кўмита сайланди. Марказком таркибига маҳаллий коммунистлардан Низомиддин Хўжаев ҳам киритилди.

«Темир қонун», «Пўлатдек кучли интизом», «Диктаторлик ваколатлари» каби синфий ҳислатларни ўзида жамлаштирган. Туркистон Компартияси РКП (б)га бўйсунар эди. Кремель большевиклар берган ҳар қандай топшириқ қулуоқ қоқмай ижро қилиниши оқибатида Туркистон минтақасини Россияга сиёсий-иқтисодий қарамлиги мустаҳкам асосда йўлга қўйилди.

Туркистон большевикларининг анжуманда қабул қилинган қарорлари ўлканинг кейинги тақдирида ўта салбий роль ўйнайди. Большевиклар томонидан «Совет Туркистони»га айлантирилаётган минтақада ҳокимиятнинг сиёсий марказлаштириш борасидаги ҳаракат кучайди. Туркистонда Марказнинг сиёсий ҳукмронлиги Советлар бошқарув тизими орқали шакилланди ва изчиллик билан амалга оширишга киришилди.

Шундай қилиб советларнинг V съезди Туркистонни Россиянинг таркибидаги ўлка сифатида эълон қилиб, давлат бошқаруви ва халқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатини Марказдаги большевиклар ҳукумати белгиланишни «Қонуний» акт билан муҳрлаган бўлса Туркистон большевикларининг II

съезда ҳам Россиянинг партиявий ғоявий ва назарий ҳукмронлигини тан олиб, шимолдаги бу давлат қўл остида бўлишни ёқлаб чиқдилар.¹

Қабул қилинган Туркистон Конституцияси аниқ ифодаланган синфий мазмунга эга бўлиб, унда ўлка халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётининг ўзига миллий хослиги, ҳуқуқий ҳимояси ўз аксини мутлақо топмаган эди. Мазкур конституция талаби бўйича «Меҳнатсиз даромад» ҳисобига яшайдиган шахслар, дин пешволари, роҳиблар, хусусия савдогарлар, тижоратчилар, тадбиркорлар ва хоказолар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилди. Шу тарзда қонун йўли билан Туркистон жамиятининг еўпгина ижтимоий табақалари ва гуруҳлари давлатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқидан четлатилган эди.²

Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли қаршилик ҳаракатининг бошланиши ва бориши.

Туркистонда 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейинги содир бўлган воқеалар жараёни шуни кўрсатадики, марказий совет ҳукумати ўлка халқларига нафақат мустақиллик, ҳатто миллий мухторитни ҳам раво кўришни истамадилар. Тўғри, бу аччиқ ҳақиқатни даставвал барча Туркистон халқлари тушуниб етмади. Буни фақат миллий ватанпарварлар, жаидлар, айрим раҳбар ходимларгина тасаввур қилолган эдилар.

Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат “Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор қилиниши билан бошланганлиги”²⁸ деярли барча тарихчиларнинг асарларида эътироф қилинади. Аслини олганда, мухторият ҳукумати ағдарилиб ташланмаганида ҳам ёки бу ҳукумат ҳатто мутлақо бўлмаганида ҳам совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг вужудга келиши табиий бир ҳол эди. Зотан, бу даврда Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият озодлик ҳаракатининг бошланиши муқаррар қилиб қўйганди. Чунки бу даврда большевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон халқлари учун мутлақо ёт тушунча эди.

¹ Шамсиддинов Р.Т. Советы и образование национальных республик в средней Азии. (1917-1925 г.г.) Вопросы истории. М. 1986.

² Усмонов К., Соди=ов М. Ёша асар. 30-бет.

²⁸ Ўз Р МДА, 17-фонд, 1-рўйхат., 90-й.ж., 329-варақ.

Маҳаллий аҳоли бу ғояни аввал бошданок ўзига сингдира олмади ва унга қарши турди. Шунингдек совет ҳукумати ўрнатилган кунданок ҳокимиятни бошқаришга маҳаллий халқ вакиллари жалб қилинмади, уларнинг миллий ғурури, ҳақ-ҳуқуқлари инкор қилинди. Янги тузум ўрнатилган кунданок маҳаллий халқнинг асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, миллий қадриятлари топталди. Қози судлови бекор қилинди, вақф ерлари тортиб олинди, жамият учун ёд унсурлар деб халқнинг кўплаб табақа вакиллари таъқиб этилди, мулкчиликнинг барча шаклига чек қўйилди.

Туркистон Мухториятининг тугатилиши совет ҳокимиятига қарши қуроли ҳаракатнинг бутун Туркистон бўйлаб оммавий равишда бошланишига туртки бўлди, ҳолос.

Дастлабки қуроли ҳаракат қаршилиқ ҳаракати гуруҳларининг ташкил топиши Кичик ва Катта Эргашларнинг номлари билан боғлиқдир.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қўшинига бошчилик қилган Кичик Эргаш кўрбоши 1918 йил 19-21 февралда Қўқон шаҳрида қизил аскарларга қарши бўлган “икки кунлик уруш натижасида мағлубиятга учради, унинг 2000 кишилиқ армиясидан омон қолган икки юзтача киши Кичик Эргаш раҳбарлигида Қўқон уездидаги Бачқир қишлоғига (Қўқондан 18 чақирим шимоли-шарқ томонда) жанг билан чекинишди”.²⁹ Ўзининг киндик қони тўкилган Бачқир қишлоғида Кичик Эргаш йигитлари билан қаъла шаклида истехком қуриб, мустаҳкам ўрнашиб олди. 26 феврал куни Бачқирга 5 та қизил гвардиячилар отряди ва дашноқлар дружинаси ҳужум қилишди. 27 февралда бўлган жанглارнинг бирида Кичик Эргаш шаҳид бўлгач, унинг ўрнига Катта Эргаш кўрбоши Фарғона водийсида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши кураш бошлади. Бу даврда қуроли ҳаракат қатнашчилари сафига ўз ихтиёри билан советлар тузумидан норози бўлган юзларча ва мингларча кишилар келиб қўшилдилар. Натижада Эргаш кўрбоши қўл остида 1918 йили қўзғалғин келиб ҳар бирида 20 тадан 1.800 тача бўлган 70 та кўрбоши дасталари ҳаракат қилган эди. Октябрь ойига келиб эса

²⁹ Ўз Р МДА, 17-фонд, 1-рўйхат., 336-й.ж., 227-варақ

унинг кўшинлари сафида 15000 киши бўлган.³⁰ Бу қуролли ҳаракатнинг йирик номоёндаларидан бири Марғилон милициясининг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли-Мадаминбек эди. У халқ ишончига сазовор бўлганлиги сабабли унинг йигитлари сафи тез орада ортиб борди. 1918 йилга оид архив ҳужжатларнинг бирида “Яккатут волости Гарбобо қишлоғидаги Мадаминбек гуруҳининг қароргоҳига оммавий равишда маҳаллий ёшлар келиб қўшиларди”,³¹ деб ёзилган эди.

1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида бир-биридан мустақил равишда 40 дан ортиқ кўрбоши дасталари фаолият кўрсатарди. Мадаминбек Скобелев уездида, Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар Марғилон атрофларида, Омон Паҳлавон, Қобул Сотиболди қози ва Раҳмонқуллар Наманган уездида, Парпи кўрбоши Андижон шаҳри атрофида, Эшмат кўрбоши Қўқоннинг Бувайда қишлоғида, Умар-Чоли Урганжи қишлоғида, Жонибек қози Ўзган томонда, Муҳиддинбек Новқатда ҳаракат қилмоқда эди.³²

Бу тарқоқ ҳолда бўлган қуролли қаршилик ҳаракатини ягона қўмондонликка бўйсиндириш ва биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида “Шўрои Ислом” ва “Шўрои Уламо” ташкилотлари аъзоларининг ташаббуси билан 1918 йил март ойининг охирларида Бачқир қишлоғида Фарғонадаги бутун кўрбошиларнинг биринчи қурултойи чақирилди. Унда 40 дан ортиқ йирик кўрбошилар қатнашди.³³ Фарғона водийсидаги қуролли ҳаракатнинг етакчиси бўлиб Катта Мулла Эргаш сайланди ва унга бутун мусулмон кўшинларнинг олий бош қўмондони-“Амир ал-муслимин” унвони берилди. Эргаш кўрбошининг ўринбосарлари қилиб Мадаминбек ва Шермуҳаммадбеклар тайинланди.

Фарғона водийсидаги қуролли ҳаракат 1919 йилнинг ёзи ва кузида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Мадаминбек бошчилигидаги кўшинлар

³⁰ Ўз Р ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат., 49-й.ж., 3-варақнинг орқаси.

³¹ Фарғона вилоят Давлат архиви 121-фонд, 1-рўйхат., 39-й.ж., 247-варақ

³² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т. Шарк, 2000,-Б.88.

³³ Шомагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны во Ферганской долине. _Т., 1961. С.61-62.

сафига крестянлар армиясининг қўшилиши водийда совет ҳокимиятининг бўлиши ёки бўлмаслигини шубҳа остига қўйган эди. Сентябрьнинг дастлабки кунларида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод шаҳрини эгаллашди. Қуршоб посёлкаси (қасабаси) ёнидаги жангларда совет армияси қисмлари катта мағлубиятга учраб, Ўш шаҳрига чекиндилар. “Ўш-Фарғонанинг ҳаёт-мамотини белгилайдиган шаҳар”³⁴ бўлиб, ҳарбий-стратегик жиҳатдан жуда қулай жойда жойлашган эди. У Фарғона водийсини умуман Туркистон республикасини Хитой, Афғонистон, Ҳиндистон, бу томони Бухоро билан боғлайдиган йўлларнинг устида эди. Ўш шаҳри “жаҳон томи”-Помир рўпарасида бўлиб, ундан Гулча ва Эргаштомдаги чегера пунктларига олиб борадиган йўл ўтарди. 8 сентябрда бир ярим кунлик қизғин жанглардан кейин Ўш ашҳри гарнизони таслим бўлди, қамоқхонада ётган маҳбуслар қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчилари томонидан озод қилинди.³⁵

Мадаминбекнинг қўшинлари 13 сентябрда Эски Марғилон шаҳрини эгалладилар. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар-Андижонни қамал қилишга киришдилар.

Фарғона водийси бутунлай истиқлолчилар қўлига ўтиши муқаррарлигини сезган совет ҳокимияти зудлик билан қуролли ҳаракатни бостириш чораларини Кўришга киришди. 1919 йил 23 февралда Туркистон Автоном Республикасининг инқилобий ҳарбий кенгаши Фарғона водийсида тобора кучайиб бораётган қуролли ҳаракатга қарши курашиш учун махсус Фарғона фронтини ташкил қилиш ҳақида буйруқ чиқарди. Бироқ, махсус ташкил қилинган Фарғона fronti Фарғона водийсидаги қуролли ҳаракатни бостира олмади. Натижада, 1919 йил 15 августда М. Фрунзе қўмондонлигида Туркистон fronti ташкил қилинди.³⁶ М. Фрунзе Туркистон fronti қўмондони вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан 1919 йил 11 августда чиқарган буйруғида Туркистон фронтининг ташкил қилинишидан

³⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т. Шарқ, 2000,-Б.98

³⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т. Шарқ, 2000,-Б.98

³⁶ Ражабов Қ.Қ. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг) автореферат дисс..док.ист.наук.Т., 2005.-С.37.

мақсадни қуйидаги тарзда очик билдирган эди: “Туркистон юришининг асл мақсади, бутун Туркистонни ишғол қилишдан иборатдир”.³⁷

Туркистон fronti таркибига Россия Федерациясидан келтирилган 1,4, 11-армиялар келтирилди. Фарғона fronti эса тугатилиб, унинг асосида Фарғона ўқчи дивизияси (кейинчалик 2-Туркистон ўқчи дивизияси) ташкил қилинади.³⁸ Шунингдек, Туркистондаги собиқ харбий асрлардан иборат 5000 киши киртилган интернационал отрядлар тузилиб, Туркистон fronti ихтиёрига берилади.³⁹ Шу тариқа, Туркистон fronti қўшинларининг умумий сони 1919 йил август ойининг охирларига келиб 115376 жангчига етказилади ва улар 1112 та пулемёт, юзлаб тўплар, ўнлаб самалётлар ва бошқа XIX асрда дунёдаги барча мустамлакачи империялар каби Россия империяси ҳам бошқа халқлар ерларини, бойликларини босиб олишдек тажовузкорона ташқи сиёсат олиб борди. Буларга Қозон, Астрахан, Қрим, Сибирь хонликларини, Кавказни Россия томонидан босиб олиниши бунга мисол бўла олади. Россия Ўрта Осиёни босиб олиш мақсадларида Англия манфаатлари билан тўқнаш келиб қолди.

1. Бу даврда Россия - Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШдан иқтисодий жиҳатдан орқада қолаётган эди: 1860 йил Россия Франциядан 7,2 баробар, Германиядан 9 баробар, Англиядан 18 баробар кам саноат маҳсулоти ишлаб чиқарган эди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотининг сифати паст, таннархи эса юқори эди. Шу сабабли рус товарлари Европа бозорида рақобатга бардош бераолмас эди. Россия учун янги бозор текин хом-ашё манбаи керак эди.

2. 1855-1857 йиллардаги Қрим урушида Россиянинг мағлубиятга учраши натижасида Болқондаги «орзусини» амалга олмаганлиги Ўрта Осиёнинг аҳамиятини янада оширди. Иккинчи томондан урушда Англияни Туркия томонидан туриб Россияга қарши урушганлиги учун «отни қамчилаб Ўрта Осиёни босиб олиш унга дипломатия тарсакисини» бермоқчи бўлди.

3. АҚШдаги 1861-1862 йилдаги фуқаролар уруши натижасида Америка пахтасини Европа ва Россияга келмай қолиши натижасида Россия енгил тўқимачиликни қийин аҳволга солиб қўйди. Натижада Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тажовузорлик ҳаракати тезлашди. Ўрта Осиёни Россия томонидан босиб олиниши истилочилик ва босқинчилик ҳаракати эди.

Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиш ҳаракатларини 3 даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр: Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиш

³⁷ РГАСПИ 17-фонд, 29-рўйхат, 27-иш, в.71.

³⁸ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т. Шарк, 2000,-Б.99

³⁹ Ўша жойда.

ҳаракатлари XVIII аср бошларида бошланган эди. Биринчи интилиш подшо Петр 1 замонида 1714-1717 бошланиб XIX аср ўрталаригача давом этган.

Иккинчи давр: Россия империясининг подшолари то XIX асрнинг иккинчи ярмигача асосан ўзининг элчиларини жосус сайёҳатчиларни юбориш орқали Осиёнинг табиатини, бойликларини, ҳарбий, иқтисодий имкониятларини" ўрганишга киришади. Биргина Николай I подшолиги (1833-1855) ва Александр II подшолиги (1855-1881) даврлар Қозоғистонда 103 га яқин ҳарбий қалъа ва таянч пунктлари қурилади.

XIX асрларнинг иккинчи ярмида империя фаол ҳаракатларни бошлаб юборди. Бу билан учинчи давр бошланди. Россия империяси даставвал мустақил Қўқон хонлигини босиб олиш учун уруш ҳаракатларини бошлаб юборди. 1866 йилгача Қўқон хонлигининг Оқмачитдан Тошкентга Хўжанд ерларигача бўлган ерлар эгалланди. 1868 йили Бухоро амирлиги, 1873 йили Хива хонлиги, 1884 йилгача ҳозирги Туркманистон ерлари эгалланди ва эгалланган ерларда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди.

1865 йил 6 августда Туркистон вилоятини бошқариш учун **«Муваққат низом»** эълон қилинган эди. Шу йили Туркистон аҳолиси турмуши ва умумий аҳолини ўрганиш учун «Дашт комиссияси» ҳам тузилган эди.

1886 йил 12 июнда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Бу ҳужжат бўйича ўлканинг вилоятларга бўлиниши аҳолининг этнографик, маиший ва иқтисодий шарт-шароитларини ўрганиш асосида эмас, балки ўлкани босиб олиш жараёни билан боғлиқ ҳолда амалга оширилди.

Рус ҳукмрон доиралари ҳарбий миршаблик тартибларини ўлкада қўллашлари зарурлигини қуйидагича изоҳлаганлар: «Туркистон тузем аҳолиси ҳали жуда қуйи ақлий тараққиёт босқичидадир. Улар ҳуқуқ, маъмурият, қонун нималигини билишмайди. Жамият қонун томонидан бериладиган ҳуқуқдан фойдаланишни билмайди, бу ҳуқуқ унинг зарарига хизмат қилади.»

Туркистонга Россия империяси рус миллатини ҳам кўчириб келтира бошлади. Умуман, Туркистонда 15 йил (1875-1890 й.) ичида 1300 оиладан иборат 19 та рус қишлоқлари вужудга келди. Айниқса, 1891-1892 йиллардаги Россиядаги очарчилик даврида кўчиб келувчиларнинг сони анча кўпайди. Шу 2 йил ичида 25 та рус посёлкаси пайдо бўлди. Рус деҳқонлари сони 2 баробарга кўпайди. 1889 йил 13 июлда қонун қабул қилиниб, кўчиб келган русларга имтиёзлар ва моддий ёрдам беришни белгилаб берди. Туркистонни руслаштириш сиёсатида кескин бурилиш 1892 йилда бошланди. Худди шу йили Россиядан ўзбошимча кўчиб келган минглаб «келгиндилар»

маъмурият назорати билан келганлар қатори уларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкинлиги жорий қилинди. Мустамлака ўлкага русларни кўчириш масаласи билан шуғулланувчи «кўчириб келтириш бошқармаси» ташкил этилди. 1905 йилда зироат ва давлат мулклари вазирлиги таркибида «Кўчирувчилик бошқармаси» ҳам тузилди. Туркистонда эса 1906 йилда «Сирдарё кўчирувчилик райони» ташкил этилиб, маҳаллий аҳоли ерларини рус мужиклар учун тортиб олиб бериш режали тус олди.

Подшонинг аграр сиёсати туфайли маҳаллий халқ ерлари рус мужиклари фойдасига мусодара қилинди. 1906-1913 йилларда Туркистонда 116 рус посёлкаси қурилди. **«Иккинчи рус Туркистонини»** яратиш ғояси подшо аграр сиёсатининг тугал мақсадига айланди. Бундан мақсад бир томонлама мустамлакачиликни мустаҳкамлаш бўлса, иккинчи томондан халқлар ўртасида миллий адоват уруқши сочиш эди. Чунки кучириб келтирилган руслар маҳаллий аҳолига Караганда бир қатор имтиёзларга эга эди. Бундан ташқари рус булмаган халқларнинг маданиятини таъкиб қилиш ҳам бошланиб кетган эди. Маҳаллий аҳолига она тилида газета ва китоблар нашр этиш, ўз болаларини ўқитишга турли йўللار билан тайзик қилинар ва таъқиқланар эди. Туркистон генерал-губернаторидан бири бўлмиш генерал Н. А. Куропаткин ўз кундалигида: **"Биз маҳаллий аҳолини 50 йил давомида тараққиётдан, мактаб-маорифдан ва рус ҳаётидан четда сақладик"** деб ёзган эди. Ҳукумат рус бўлмаган халқларни расмий равишда **"Бегона зотлар"** ёки **"Туземец"** (сартлар) деб атарди, русларга мазкур халқларга нафрат билан қараш руҳини сингдиришга ҳаракат қиларди.

Чор ҳукуматининг Туркистонда олиб бораётган мустамлакачилик сиёсати маҳаллий халқларнинг ҳақли равишда норозиликларига сабаб бўла бошлади. 1873 йилдан 1877 йилгача Қўқон хонлигида мустамлакачилик ва зулмга қарши халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. 1874 йил қўзғолони ноябрь ойи охирларига бориб тўхтади. 1875 йил қўзғолон яна бошланди.

XIX аср охириларига келганда Туркистонда вазият янада кескинлаша бошлади. 1892 йил 7 июлда "Вабо исёни" номини олган ҳаракат бошланди. Гарчи бу қўзғолон ҳам енгилган бўлсада, у мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмга қаратилган кураш сифатида ўчмас из қолдирди.

1898 йилги қўзғолон Мингтепа, Тожик, Қашқар сингари қишлоқлардан бошланди. қўзғолдонга Дукчи Эшон етакчилик қилган. Қўзғолон бостирилиб 1898 йил 12 июнр куни Андижоннинг янги шаҳаридаги Тупроққўрғонда Дукчи Эшон бошчилигидаги қўзғолоннинг йирик вакиллари дорга осилди.

Чор ҳукумати Туркистон халқларини ҳар томонлама эзиб, мустамлакачилик зулмини кучайтираётган бир пайтда ўлкада миллат манфаатини ўйлидиган тараққийпарвар кучлар ҳам бўлиб, улар турли

табақаларга: ҳунарманд, деҳқон, буржуазия ва руҳонийларга мансуб эдилар. Улар халқнинг миллий онгини ўстириш, ўзлигини англатишни маорифатдан кидирадилар. Бундай кишилар - жаидлар деб номланди. Жаидчилик ҳаракатининг турк дунёсидаги ғоявий отаси Қрим татар фарзанди Исмоил Гаспирали (Гаспиринский) ҳисобланади. Гаспиринскийнинг Туркистонга сафари ўлкада жаидчилик ҳаракатини ривожланиши ва кенг ёйилишига тарсир қилди. 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жаид мактаби бор эди. XX аср бошларида жаидлардан Махмудхўжа Бехбудий, С.Айний, А.Авлоний, Мунаввар Қори, Фитрат кейинчалик Ўамза Чўлпон ва бошқалар ватанпарвар ва миллатпарвар ёшларни тарбиялашдек ишга бош бўлдилар. Жаидларнинг Туркистон озодлиги учун курашида асосан уч йўналиш мавжуд бўлган. Булар: янги усул мактабларини очиш; умидли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маорифий жамиятларни тузиш ва зиёлиларнинг фирқасини ташкил қилиш эди. Жаидлар бир неча матбуот органларини ташкил қилганлар. 1906 йилда “Тараққий”, “Хуршид” газеталари. 1907 йилда “Шуҳрат” газетаси чиқарилди. М.Бехбудий 1913 йилда “Самарқанд” газетасини чиқарди. 1913 йил 20 августдан “Ойна” журнали, 1914 йилдан “Садойи Туркистон” ва бошқалар нашр қилинди. 1909 йилда Мунаввар қори маслакдош дўстлари билан “Жамияти хайрия”ни ташкил қилади. Бу жамият “Дорул ожизин”ни очиб, бир неча ожиз ва бечораларни тарбияга олади, бир неча мактаб ва мадрасаларга 100 сўм, 200 сўмдан хайриялар беради. 60 та фақир ва бечора болаларни турли мактабларда ўқитади. Жаидлар бу жамият орқали Россия ва Тукиядаги олий ўқув юртларига ёшларни юбориб ўқитиш билан ҳам жиддий шуғулланардилар. 1910 йилда Уфадаги “Олия” мадрасасида 10 дан ортиқ ўзбек ўқиган. Бу йилларда Москва, Петербург, Варшава ва Олмонияда ҳам ўзбеклар ўқиганлар. Бухорода ташкил қилинган “Тарбиян афтол” жамияти 1911 йилда 11 та, 1912 йилда 30 та талабани Туркияга ўқишга жўнатди. Россияда адлия соҳаси бўйича таолим олган Асадулахўжа ўғли Убайдуллахўжа ўзбек зиёлиларининг “Тараққийпарварлар” фирқасини тузади. Фирқа 1914 йилдан “Садойи Туркистон” газетасини чиқаради.

Жаидлар мактаблар очиш билан бирга, қатор дарсликлар ҳам яратганлар. Масалан, М.Бехбудийнинг “Мунтахаби жуғрофиё умумий” (Қисқача умумий география), “Китобатул афтол (Болалар мактаблари), “Мухтасари тарихи ислом” (Исломнинг қисқача тарихи), “Мадхали жуғрофиён умроний” (Аҳоли географиясига кириш), “Мухтасар жуғрофиён Русий” (Россиянинг қисқача географияси), Ўамзанинг бошланғич синфлар учун алфбоси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон жадиidlари, ўзларининг бутун фаолиятларини Туркистон халқларини, маорифатли, маданиятли қилишга қаратдилар. Бу ишда М.Бехбудий, Мунавварқори, А.Авлоний, А.Қодирий, Айний, Ёамза, Фитрат, Боту, Чўлпон ва бошқаланинг хизматлари катта бўлди. Чунончи, Ўзбекистон президенти И.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида айтганларидек, XX аср бошидаги маорифатчилик ҳаракати намоёндалари бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чиқишмади. Улар мактаблар очгани, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даоват этганлари учун биров маош тўламаган. Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганликлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан билишган. Билатуриб онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки виждонлари, иймонлари шунга даоват этган.